

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 6 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги 176–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5–6, 63-модда, № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда; 2000 йил, № 7–8, 202-модда; 2003 йил, № 9–10, 140, 149-моддалар; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 250-модда; 2008 йил, № 4, 193-модда; 2012 йил, № 9/1, 241-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 12, 769-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 11 апрель
№ ЎРҚ–473

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Давлат мукофотлари тўғрисида (янги тахрири)

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат мукофотларини таъсис этиш, улар билан тақдирлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Давлат мукофотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Давлат мукофотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида давлат мукофотларини таъсис этиш, улар билан тақдирлаш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

3-модда. Давлат мукофотлари

Давлат мукофотлари фуқароларни уларнинг мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга, тинчлик ва барқарорликни сақлашга, мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, социал, илмий, интеллектуал, маънавий салоҳиятини ҳамда муҳофаа қудратини оширишга қўшган ҳиссаси, давлат ва халқ олдидаги фаолиятнинг ижтимоий, хайрия, гуманитар соҳаларидаги ҳамда бошқа соҳалардаги хизматлари учун рағбатлантиришининг олий шаклидир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тақдирланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет давлатларнинг мукофотлари билан тақдирланиши мумкин.

Давлат мукофотлари билан айрим ҳолларда фуқаролар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий бирликлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, ҳарбий бўлинмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижодий жамоалари ҳамда бошқа юридик шахслари, шунингдек чет эл юридик шахслари мукофотланиши мумкин.

4-модда. Давлат мукофотларини таъсис этиш

Давлат мукофотлари Ўзбекистон Республикаси қонунари билан таъсис этилади.

Давлат мукофотлари тўғрисидаги низомлар ва давлат мукофотларининг тавсифлари Ўзбекистон Республикаси қонунари билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг расмий номлари давлат тилида белгиланади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА СОДДАЛАШТИРИШ, ШУНИНГДЕК, БИЗНЕС ЮРИТИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ республикада давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг устуворлигини янада кучайтириш, бизнес ташаббуслар, стартапларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс институционал ва таркибий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қабул қилинаётган чоралар самарадорлиги ва натижадорлиги етакчи халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликларининг ижобий баҳоларида ҳолисона акс эттирилмоқда.

Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш — 2018” ҳисоботида Ўзбекистон тадбиркорлик учун янада қулай шароитлар яратиш бўйича ислохотчи

давлатлар қаторида жаҳонда биринчи ўналикка кирди.

Шу билан бирга, бир қатор йўналишларда тадбиркорлик соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг бюрократлашган ме-тодлари ҳали ҳам сақланиб қолмоқда, бу эса, ўз навбатида, маҳаллий бизнеснинг рақобатдошлигини жадал ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитига янги технологиялар ва инновацияларни татбиқ қилиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишонч-ни мустаҳкамлашга тўсқин-лик қилмоқда. Хусусан:

биринчидан, тадбиркор-лик фаолияти соҳасида замонавий талабларга жавоб бермайдиган, умрини ўтаб бўлган кўп миқдордаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари сақланиб қолмоқда;

иккинчидан, бизнес жа-раёнларини бошқаришнинг бозор механизмлари жуда

секинлик билан татбиқ этилмоқда, шу жумладан, тартибга солиш функцияла-ри ҳаддан ташқари марказ-лашган, ўзини ўзи тартибга солиш ва жамоатчилик назорати механизмлари суст даражада қолмоқда;

учинчидан, тадбиркор-лар ханузгача айрим вако-латли органлар томонидан лицензия ва рухсатнома бериш хусусиятига эга ҳў-жатларни расмийлашти-ришда маъмурий тартиб-таомилларнинг қўзилиш-ҳолатлари билан тўқнаш-моқда;

тўртинчидан, ваколатли давлат органлари ўртасида лицензия ва рухсат бериш хусусиятидаги ҳўжатларни тўздан қисқартириш, маъ-мурий тартиб-таомилларни янада соддалаштириш ва очиклик даражасини оши-ришга қаратилган ўзаро ҳамкорлик зарур даражада олиб борилмаяпти.

(Давоми 2, 3-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КўРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ Бўйича Қўшимча ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Мамлакатимизда давлат хизматларини кўрсатиш-нинг миллий тизимини тўб-дан ислох қилиш бўйича кенг миқёсда бошланган ишлар доирасида Ўзбекис-тон Республикаси Адлия ва-зирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди (кейинги ўринларда — Агентлик).

Ҳозирги вақтда нафақат тадбиркорларга, балки аҳолига ҳам энг зарур ва талаб юқори бўлган давлат хизматларини “ягона дарча” тамойили бўйича кўрсатиш мақсадида республиканинг ҳар бир туман ва шаҳарла-рини қамраб олган Халқ қабулхоналари ҳузуридаги давлат хизматлари марказ-ларининг ягона тармоғи яратилди.

Шу билан биргаликда, амалга оширилган чора-тадбирлар ва эришилган ютуқларга қарамасдан давлат хизматлари кўрса-тиш соҳасида фойдаланил-маган имкониятлар ва ҳал этилмаган муаммолар сақ-ланиб қолмоқда. Хусусан:

биринчидан, бир қатор ташкилотларда базавий ақ-робот тизимларини жорий этиш масалалари ва улар-нинг идоралараро интегр-ация қилиниши паст даража-да эканлиги давлат хизмат-ларини қулай ва ўз вақтида кўрсатишни таъминламаяп-

ти. Кўрсатиб ўтилган камчи-ликлар, айниқса, Мудофаа вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қурилиш вази-рлиги, “Ўзтрансгаз” АЖ ва барча даражадаги маҳаллий давлат ҳўкимияти органлари-га тааллуқлидир;

иккинчидан, давлат органлари томонидан жисмо-ний ва юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар, кўчмас мулк объектлари ва бошқа ҳўжатлар реестрла-ри алоҳида қоғоз кўриниши-да юритилиши, электрон ар-хивларнинг мавжуд эмасли-ги электрон давлат хизмат-ларини кўрсатишда қийинчи-ликларга олиб келмоқда. Бу каби салбий амалиёт, айниқ-са, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат қадас-три давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давргеодезка-дастр) ва “Ўзархив” агентли-гига тегишлидир;

учинчидан, кўпчилик давлат хизматлари марказ-лари ханузгача юқори тез-ликдаги Интернет тармоғига уланмаганлиги идоралараро электрон ҳамкорликнинг за-рур даражада йўлга қўйил-маслигига сабаб бўлмоқда. Ушбу жиҳдий муаммоларни бартараф этиш учун Агент-лик, Ақборот технологияла-ри ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

ва “Ўзбектелеком” АЖ раҳбарлари таъсирчан чора-лар кўрмаяпти;

тўртинчидан, давлат хизматини кўрсатувчи вако-латли органлар ва давлат хизматлари марказлари ло-зим даражада замонавий компьютер техникаси ва тех-ник воситалар билан жиҳоз-ланмаганлиги давлат хизмат-ларини кўрсатишнинг илгор ва инновацион методларини жорий қилишга тўсиқ бўлмоқда;

бешинчидан, давлат хизматлари марказлари зарур бино ва хоналар билан таъминланмаганлиги талаб юқори бўлган қўллаб хизмат-ларни кўрсатиш учун таширф буюрувчиларни тўлиқ ва бир вақтда қамраб олишга имкон бермайди;

олтинчидан, рухсат бериш ва лицензиялаш жараёнларидан ўтиш ҳамон мураккаб ва ортиқча тартиб-га солинганлигича қолмоқда, давлат хизматларини олиш жараёнида ортиқча талаблар ва тўсиқларнинг мавжудлиги шаффофликнинг йўқолиши-га, ҳўқуқни турлича қўллаш амалиётига ва оқибатда суиистеъмолчиликлар тез-тез содир этилишига ва бошқа қоидабузарликларга олиб келмоқда;

(Давоми 3-бетда).

РАҚОБАТДОШЛИКНИНГ МУҲИМ ШАРТИ



Бунёдкорлик ишлари кўламининг кенгайиб бораётгани қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни ҳам оширмоқда. Уни тўлиқ таъминлаш мақсадида ҳар йили янги қувватлар фойдаланишга топширилиши баробарида, мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан янгиланмоқда.

Ислохот

Модернизациялаш тадбирлари мазкур соҳадаги йирик ишлаб чиқариш субъектларидан бири — “Қизилқум-цемент” акциядорлик жамиятида ҳам изчил амалга оширилаётгани туфайли сифат ва самарадорликка эришилмоқда.

“Қизилқумцемент”да маҳсулот тай-ёрлаш қуруқ усулга асосланган. Бу эса сифатда ўз аксини топмоқда. Натижа-да буюртмалар тобора кўпайиб бор-

моқда. Талаб ҳамда эҳтиёжни барқ-рор таъминлаш мақсадида эса яна бир йирик инвестициявий лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинди. У ҳом ашёни ёпиқ усул-да майдалашга мўлжалланган бўлиб, бир қанча афзалликларга эга.

Таъкидлаш керакки, “Қизилқум-цемент” АЖ Германия, Япония, Россия, Хитой, Чехия, Словакия каби мамла-катларнинг йирик компаниялари билан

ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Бу эса инновацион технологияларни жалб қилиш орқали ресурслардан оқиллона фойдаланиш, иқтисодий тежамкорлик-ка эришишда қўл келмоқда. Масалан, биргина ҳом ашё миқдорини назорат этувчи усқуналар компьютерлаштирил-гач, катта миқдорда маблағ иқтисод қилина бошланди.

Кейинги пайтда ишлаб чиқаришни модернизациялаш тадбирлари шарафати билан бу ерда наинки қўшимча иш ўринлари яратилаяпти, балки унинг маҳсулоти негизида янги-янги корхоналар фаолияти ҳам йўлга қўйилмоқда.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Бахтиёр АҚРАМОВ олган сурат.

Солижон ШАРИПОВ:

«КОИНОТДА БОШИМДА ДўППИ, ҚўЛИМДА ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ ЭДИ»



Эксклюзив интервью

Коинот — Ердан ташқарида бўлган космик фазо, сайёралар, юлдузлардан иборат мўъжизавий макон. Унга қизикмаган ёки болалигида “Катта бўлсам, космонавт бўламан”, дея орзу қилмаган одам бўлмас керак. Айни 12 апрель — Авиация ва космонавтика куни арафасида ҳаммамиз бу орзуларни бир антикиб эслаб қўямиз.

Шундай пайтда беихтиёр ҳар бир ҳамюртимиз кўз ўнгида ўзбек кос-монавти Солижон Шарипов гавда-ланади. Солижон ака билан суҳбат-лашишни анча олдин дилимга туқ-кан эдим. Шунинг учун мобил ра-қамини уни яхши билган инсонлар-дан сўраб топдим. Ўшанда мартнинг ўрталари эди. Суҳбатдошимга Тош-кентдан кўнгирак қилиб, мақсад-муддаомни айтар эканман, бу инсоннинг менга берган қутилма-

ган саволидан ҳаяжонланиб кетдим. У киши сўради:

— Тошкентда ўрик гулладими? Ишхонамизнинг деразасидан қараб, Солижон акага ён-атрофнинг гузаллиги, таровати, мовий осмон ҳақида сўзладим. У инсон катта завқ, ўзига ҳос қувонч билан эши-таётгани яққол билиниб турарди.

— Бизда (Москвада — муаллиф) ҳаво жуда совуқ, вақти-вақти би-лан қор-ёмғир аралаш ёғаяпти.

Ўзбекистонимизнинг бетакрор табиатини жуда соғинибман.

Ана шу қисқа мулоқотдан кейин Солижон Шарипов билан бафуржа гаплашишга келишиб олдик. Буни қарангки, мулоқотимиз айни 12 апрель — Авиация ва космонавтика куни арафасига тўғри келди. Сиз, азиз газетхонга ҳам ушбу суҳбатни илиндик.

(Давоми 4-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА СОДДАЛАШТИРИШ, ШУНИНГДЕК, БИЗНЕС ЮРИТИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиш 1, 2-бетларда).

2018 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик фаолияти соҳасида лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирларни 6-иловага мувофиқ амалга ошириш бўйича тақлифлари қабул қилинсин.

3. 2018 йил 1 июндан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ тиббиёт ва фармацевтика фаолияти, гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият, кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари ва телерадиоэшиттиришларни тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва уларга

хизмат кўрсатиш, шунингдек, нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотишни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиялардан ташқари, фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган барча лицензиялар амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади.

4. Белгилаб қўйилсинки: лицензияланадиган фаолият тури доирасида бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар)нинг аниқ рўйхати фаолиятнинг тегишли турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомларда кўрсатилади; агар лицензияловчи орган лицензия бериш тўғрисидаги аризани қўриб чиқиш муддати давомида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилмаса,

лицензия даъвогари кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг лицензияловчи органи ёзма равишда хабардор қилган ҳолда аризада кўрсатилган фаолият турини амалга оширишга ҳақлидир. Бунда лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг ёзма хабарномаси олингандан кейин беш иш куни ичида унга лицензия бериши шарт.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда:

лицензияловчи ва бошқа ваколатли органлар билан биргаликда мазкур Фармон талабларини инобатга олган ҳолда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартиби ҳамда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларни қайтадан қўриб чиқсин; тадбиркорлик фаолияти соҳа-

сида рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли вазирлик ва идоралар билан биргаликда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги барча низомларнинг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

6. Лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли органлар раҳбарлари амалдаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартиби ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомларнинг ушбу Фармон талабларига ўз вақтида мувофиқлаштирилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ваколатли органлар томонидан ушбу банд талабларининг бажарилиши бўйи-

ча тизимли мониторинг ўрнатсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда: лицензиялар ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлар сонини кескин камайтириш ишларини давом эттирсин, бунда зарур ҳужжатлар рўйхатини қисқартириш, маъмурий тартиб-таомилларнинг муддат ва қийматларини мақбуллаштириш орқали маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштиришга ва уларнинг шаффофлик даражасини янада оширишга, манфаатдор мақсадли аудиторияда сўровлар ўтказиш, бу борада илгор хорижий тажрибани танқидий ўрганиш, бизнес ҳамжамияти билан маслаҳатлар

ўтказиш ҳамда етакчи халқаро экспертларни жалб қилиш асосида уларнинг рақобат мўҳитига таъсирини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентига лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича тегишли тақлифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Савдо-саноат палатаси бошқа манфаатдор ва-

зирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. Р. Иноятов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Ташкент шаҳри, 2018 йил 11 апрель	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

еттинчидан, ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг билим даражаси ва малакаси пастлигича қолмоқда, уларга ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш ва олишни ўргатиш бўйича ташкиллаштирилган тизим мавжуд эмас.

Аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги босқичга жадаллик билан ўтишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Маъмурий ислохотлар концепциясини изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Агентлик, Давергеодезкадастр, “Ўзархив” агентлиги, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги бошқа вазирлик ва идораларнинг иши қоникарсиз, деб топилсин.

2. Қўйидагилар кўрсатиб ўтилган вазирлик ва идоралар, давлат хизматларини кўрсатадиган бошқа ваколатли органларнинг биринчи даражали вазифалари этиб ҳисоблансин:

давлат хизматларини кўрсатиш жараёنларини янада унификациялаш ва автоматлаштириш мақсадида ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини яратишга ягона технология ёндашуви таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, ахборот-коммуникация технологияларини жадаллик билан ривожлантириш ва жорий этиш;

вазирликлар ва идораларнинг архив фондини рақамли қўринишга ўтказиш ва тегишли ахборот ресурсларига киришга имконият беришга доир чора-тадбирларни амалга оширишни янада жадаллаштириш;

ягона давлат реестрига киритилган барча давлат хизматлари бўйича бизнес жараёнларнинг реинжинирингини амалга ошириш орқали давлат хизматларини кўрсатиш жараёнидаги тартиботларни ва уларни кўрсатиш муддатларини тубдан қисқартириш, бланк ва шаклларни сезиларли даражада оптималлаштириш;

давлат хизматларини кўрсатиш жараёнига жалб этилган ходимларнинг ўз лавозим мажбуриятларини сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажаришини таъминлаш, уларнинг маъсулятини кучайтириш, ҳозирги замон талабларига мувофиқ ишлаш қўникмаларини ва маданиятини ошириш, улар ишини объектив баҳолаш механизмларини жорий этиш;

юклатилган вазифа ва функциялардан келиб чиққан ҳолда муаммоларни ҳал қилишда давлат органилари ва ташкилотларнинг давлат хизматларини кўрсатишда иштироклари бўйича ҳаракатларни бирлаштириш юзасидан масъулиятларини ошириш;

бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан устувор равишда ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар, маълумотлар базаларини белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, электрон давлат хизматларини жорий этиш учун фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Агентлик замонавий давлат хизматларини жорий этиш масалаларига тегишли равишда ёндашмаётган давлат органларининг мансабдор шахсларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чораларини кўрсин.

3. Келгусида давлат хизматларини жорий этишни янада жадаллаштиришни таъминлаш ва уларни кўрсатишдаги заиф томонлари аниқлаш учун қуйидагича тартиб ўрнатилсин:

2018 йилнинг 1 июндан иловадаги рўйхат бўйича давлат хизматлари марказлари томонидан тахриба тариқасида 70 — 100 турдаги талаб юқори бўлган давлат хизматлари кўрсатилади;

тахриба тариқасида жорий этиладиган давлат хизматлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муқоаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан тасдиқланадиган вақтинчалик маъмурий регламентлар қабул қилинади;

тахриба тариқасида жорий этиладиган давлат хизматлари рўйхати аҳолининг долзарб эътиёбларига асосида шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақлифига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муқоаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан тасдиқланади;

тахриба тариқасида жорий этиладиган давлат хизматлари рўйхатига киритилган давлат хизматлари фақат давлат хизматлари марказлари орқали тақдим этилади;

давлат хизматларини кўрсатиш тахриба тариқасида жорий этилган кўндан бошлаб ваколатли орган томонидан давлат хизматларини кўрсатиш ҳақидаги аризаларни бевоСИта аризачилардан қабул қилиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йилнинг 1 июнига қадар давлат хизматларини тахриба тариқасида кўрсатиш натижаларига кўра, мазкур давлат хизматларини кўрсатишни республиканинг барча худудларида жорий этиш ва давлат хизматлари марказларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритсин.

Ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Агентлик бюджетдан ташқари жамғармаси, Бюджетдан ташқари адлия органилари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда давлат хизматлари марказларини туман (шаҳар)нинг транспорт кесишувлари фуқаролар учун қулай бўлган марказий қисмида жойлашган биноларга, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар биноларини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бериш орқали, қўчириб ўтказишни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин.

Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига давлат хизматлари марказларининг янги биноларини фақат бюджетдан ташқари манбалардан, айниқса, давлат-хусусий шерикчилик асосида барпо этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда давлат хизматларини кўрсатиш амалиётини танқидий ва чуқур ўрганиш, аҳоли орасида сўровлар ўтказиш орқали сифатига нисбатан норозилик келиб чиқаётган давлат хизматларини аниқлаган ва уларни такомиллаштириш бўйича зарур чораларни кўрган ҳолда, ҳар чоракда талаб юқори бўлган давлат хизматларини баҳолаб борсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

2019 йил 1 январдан бошлаб электрон давлат хизматларини кўрсатиш доирасида идоралараро электрон ҳамкорлик амалга оширилаётганда жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, солиқ тўловчининг идентификация рақами ҳамда кўчмас мулк объектларининг кадастр рақамидан фойдаланиш мажбурий ҳисобланади;

2018 йил 1 июлгача Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази” ДУКнинг электрон рақамли имзо қалитлари сертификатлари ушбу қарорнинг иловасида кўрсатилган давлат хизматлари марказлари томонидан фуқароларга бепул берилади;

Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор, унинг пудратчи (субпудратчи) ташкилотлари ахборот тизимларини, ресурслари, маълумот базалари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқиш, шунингдек, Агентлик, унинг худудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказларини зарур аппарат-дастурий комплекслари билан жиҳозлаш ишларини техник ва лойиха ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги “Лойиха ва импорт шартномаларини комплекс экспертизадан ўтказиш маркази” ДУКда тезлаштирилган тартибда келишгандан сўнг амалга оширади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда кейинчалик “Электрон ҳукумат” тизими билан интеграция қилиш мақсадида уч ой муддатда ўзларининг ахборот тизимларидаги фуқаролар шахсий маълумотлари тўғрисидаги ахборотларни янгилашни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давергеодезкадастр, маҳаллий давлат ҳокимияти органилари ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда кейинчалик “Электрон ҳукумат” тизими билан интеграция қилиш мақсадида уч ой муддатда ахборот тизимларидаги жисмоний шахсларнинг манзил маълумотларини жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ва кўчмас мулк объектлари кадастр рақамига боғлаган ҳолда янгилашни таъминласин.

9. Давергеодезкадастр:

тегишли аҳоли пунктлари, кўчалар, тор кўчалар ва бошқаларга уникал кодлар берган ҳолда кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантиришни ва юритишни таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда кўчмас мулк объектларининг манзиллари реестрини шакллантириш ва юритиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Адлия вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда электрон давлат хизматларини кўрсатганлик учун бож, йғим ва бошқа тўловларни онлайн тарзда амалга ошириш механизмни жорий этишни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

2019 йил 1 январгача бўлган муддатда барча давлат хизматлари марказлари оптик толали алоқа линияларига уланшини таъминласин;

2018 йил 1 сентябргача бўлган муддатда телефон орқали келиб тушадиган муқожаатларни сақлаш имкониятини яратган ҳолда қўнғирокларни қайта ишлаш тизимини яратсин ва амалга киритсин;

Агентлик билан биргаликда 2018 йил 1 декабрга қадар талаб юқори бўлган электрон давлат хизматларини кўрсатиш учун иختисослашган мобиль илованинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминласин;

Агентлик билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган муддатда ахборот тизимларини, ресурслари, маълумот базалари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқиш, шунингдек, Агентлик, унинг худудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказларини зарур аппарат-дастурий комплекслари билан жиҳозлашни таъминласин;

давлат органилари ва бошқа ташкилотлар билан бирга уларнинг ахборот ва телекоммуникация тизимлари, маълумотлар базалари, сервер ва бошқа жиҳозларини хатловдан ўтказиб, “Электрон ҳукумат” тизими ва Агентликинг ахборот тизимларига интеграция қилсин, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлики жорий этсин.

Мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбаси этиб Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш фонди маблағлари ва давлат органиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари белгилансин.

12. Давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органилари ва бошқа ташкилотлар қуйидагиларни таъминласин:

давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган, қоғоз шаклда сақланаётган маълумотларни, электрон маълумотлар базаларини шакллантириш ва идоралараро электрон ҳамкорликини йўлга қўйишни назарда тутган ҳолда, босқичма-босқич рақамли қўринишга келтириш;

ортиқча тартиботларни йўқотиш ва бюрократик унсурларни камайтиришни назарда тутган ҳолда кўрсатилаётган давлат хизматларини мақбуллаштириш, натижаларга кўра Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда уларни электрон шаклга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқиш;

ўзларининг идоравий ахборот тизимлари ва ресурсларини “Электрон ҳукумат” ва Агентлик ахборот тизимлари билан интеграция қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда чора-тадбирларнинг қисқа муддатларда ижро этилишини назарда тутган ҳолда, мазкур банд ижросини таъминлаш бўйича қарор қабул қилсин.

13. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органилари раҳбарларига моддий-техник воситаларни ўз вақтида харид қилиш, “Электрон ҳукумат” ва Агентлик тизимларига интеграция қилиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини яратиш ва такомиллаштириш, давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат хизматларини ўз вақтида ва сифатли йўлга қўйиш учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда ҳар чорак якунига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига давлат хизматларини йўлга қўйиш ва уларни электрон шаклга ўтказишда масъулиятсизликка йўл қўяётган аниқ шахсларни кўрсатган ҳолда мазкур қарорнинг амалга оширилиши бўйича маълумот киритиб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йилнинг 1 июнига қадар Агентликинг асосланган сўровлари бўйича халқаро молия институтларининг грантларини жалб қилган ҳолда давлат хизматлари марказларини зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аниқ тақлифлар киритсин.

Агентлик 2018 йилнинг 1 майига қадар Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига давлат хизматлари марказларини зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш лойиҳаларини молиялаштириш бўйича асосланган тақлифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг вазирлик ҳузурида энг янги ахборот технологиялари ва рақамли ускуналар билан жиҳозланган бошқарув ходимлари соани 5 та штат бирлигидан иборат давлат муассасаси шаклидаги Ахборот-таҳлил мультимедиа марказини (кейинги ўринда — Мультимедиа маркази) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

16. Мультимедиа марказининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

аҳоли, айниқса, ёшларнинг, шунингдек, қишлоқ жойларида ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

замонавий технологиялар ва ижодий ёндашувлардан фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш бўйича инновацияларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка, тадбиркорлик субъектларига етказиш;

адлия органилари ва муассасалари фаолиятини кенг ёритиш бўйича ахборот-таҳлилий ва обзорли медиаматериалларни, шу жумладан, аудио ва видеороликлар, теле ва радиокўрсатувлар, ижтимоий рекламалар, воқеа жойидан репортажларни тайёрлаш ҳамда эфирга, шунингдек, Интернет тармоғига узатиш;

давлат хизматларидан фойдаланиш тартиби бўйича жамоатчиликка маслаҳат ёрдамларини бериш, шу жумладан, қабул қилинган маъмурий регламентларнинг талабларини аниқ ва батафсил тушунтириш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ваколатли органлар томонидан давлат органилари ва бошқа ташкилотларнинг давлат хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятини ўрганишлар ва текширишлар, шунингдек, қўпол қоидабузарликлар ва тизимли камчиликлар, айбдорларга нисбатан қўрилган чоралар, аризаларнинг қайта тикланган ҳуқуқлари тўғрисида аҳолини хабардор қилиш;

аҳолининг барча қатламлари билан мулоқот ўрнатиш, давлат хизматларига бўлган эътиёжни ўрганиш, ижтимоий тармоқлар ва мобиль иловаларни кенг қўллаш орқали ушбу соҳанинг энг долзарб камчиликларини жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш.

17. Белгилансинки:

Мультимедиа маркази фаолиятини молиялаштириш бюджетдан ташқари Адлия органилари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси, шунингдек, қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Мультимедиа марказига Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Мультимедиа марказининг бошқарув ходимларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг марказий аппарати ходимлари учун белгиланган моддий ва ижтимоий муҳофаза чоралари қўланилади;

Мультимедиа марказининг бошқа мутахассислари (режиссёр, креатив муҳаррир, мухбир, тасвирчи, видеоомтажчи, АКТ мутахассиси, аппарат-студия комплекси муҳандиси ва бошқалар) меҳнат бозоридagi ҳақиқий қоньонктурани ҳисобга олган ҳолда, шартнома асосида жалб қилинади.

18. Мультимедиа маркази директорига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Мультимедиа марказига мазкур қарорнинг 17-банди бешинчи хатбошида кўрсатилган мутахассисларни шартнома асосида ишга жалб қилиш;

Мультимедиа марказига юклатилган вазифаларни бажариш доирасида бошқа ташкилотлар билан хизматлар олиш ва кўрсатиш (ишларни бажариш, товарлар ва махсулотлар етказиб бериш) бўйича шартномалар тузиш.

19. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Мультимедиа марказининг устави тасдиқланиши ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Мультимедиа марказининг штат жадалини тасдиқласин ҳамда юқори малакали мутахассислар билан тўлдорсин;

Мультимедиа марказини Адлия вазирлиги биносида жойлаштирсин, унинг ишини самарали ташкил этиш мақсадида алоқа воситалари, кенг қамровли Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти билан, шунингдек, 2 та автомашина, шу жумладан, 1 та махсус автомашина сотиб олинишини таъминласин.

20. Давлат хизматлари марказлари ва бошқа ташкилотлар мутахассисларини жалб этган ҳ

Ўзбек дипломатларининг мавқеи янада кўтарилади

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳар томонлама вазмин, очиқ ва амалий ташқи сиёсат шаклланди. Кейинги пайтларда эса, хорижий мамлакатлар, шу жумладан, Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларнинг фаоллашгани кузатишмоқда. Албатта, бу жараён-да Ўзбекистоннинг иштирокини муносиб ҳамда юқори даражада таъминлашда биринчи ўринда Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хориждаги муассасаларининг самарали фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Глобаллашув жараёни ҳамда дунёдаги сиёсий-иқтисодий вазият шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устувор вазифаларидан келиб чиқиб, давлатимизнинг, энг аввало, ташқи иқтисодий манфаатларини илгари суришга йўналтирилган фаол, самарали ва мутаносиб ташқи сиёсатни амалга ошириш талаб этилади.

Таъкидлаш жоизки, Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 25 февралдаги Фармониغا асосан, ўз фаолиятини амалга ошириб келаётган эди. Бироқ халқро майдон-да рўй берган кескин ўзгаришлар, рақобат, қарама-қаршилиқ, геосиёсий зиддиятлар тобора кучайиб бораётган бир пайтда Ташқи ишлар вазирлиги тизимини чуқур қайта қўриб чиқиш ҳамда оптималлаштириш зарурати юзага келди.

Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йилнинг 5 апрелида имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон Ватанимиз манфаатларини халқро микёсда қатъий ҳимоя қилиш ҳамда уни илгари суриш борасида амалий қадам бўлди.

Мазкур ҳужжатда Ҳара-катлар стратегиясида бел-гиланган устувор мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, тизимни ислох этишнинг энг муҳим йўналишлари аниқ-лаштириб берилди. Авва-ламбор, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда республикамизнинг хориж-даги муассасаларига нафа-қат ташқи сиёсий, балки ташқи иқтисодий йўналиш ҳам устувор вазифа этиб тайинланди. Чет эл инвести-цияларини жалб қилиш, республикамизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, туризмин ривожлантириш, хорижий ҳамкорлар билан мақсадли алоқаларни юритиш ва амалий натижа-ларга эришишга қаратилган масалалар асосий вазифаси бўлган Ташқи иқтисодий ҳамкорлик бош қарма-си ташкил этилди.

“Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” та-моилии ҳақон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган. Шундай экан, Ташқи ишлар вазирлиги тизими фаоли-тида ҳам мазкур йўналишга алоҳида эътибор қаратилди. Дипломатик ҳамда халқро меъёрий воситалар орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шах-сларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини амалда ҳимоя қилишни таъминлаш вазирлик ҳамда мамлақати-мизнинг хориждаги муассасаларининг асосий вазифа-лари сифатида белгиланди. Ҳозирги халқро муноса-батларнинг жадал ривожла-

ниши натижасида кўплаб юртдошларимиз хориж сафарида турли мураккаб вазиятларга тушиб қолаёт-гани сир эмас. Шу боис Ташқи ишлар вазирлиги тизимида алоҳида жисмо-ний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан иш-лаш бўлими ҳамда унинг таркибида муурожаатларни қабул қилиш сектори (call-center) ташкил этилиши диққатга сазовордир.

Давлатимизнинг ташқи сиёсатини самарали юритиш ва бунда Ташқи ишлар вазирлиги тизими салоҳия-тини янада оширишда кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз таъбири билан айтган-да, “Дипломатия, дипломат-лик — оддий касб эмас, балки инсондан жуда кўп фазилатларни талаб этади-ган ноёб санъатдир”. Ташқи ишлар вазирлигининг кадрлар сиёсатиға ҳам ало-ҳида эътибор берилиши, Жаҳон иқтисодиёти ва дип-ломатия университети фаолиятини тубдан тако-миллаштириш борасидаги режалар, ўйламанки, яқин келажақда ўз самарасини беради ҳамда ҳақиқий ватанпарвар, юртимизнинг чинакам фидойиси, касбига садоқатли, профессионал ёш кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Юртбошимиз ташаббуси билан бошланган мазкур хайрли ишлар мамлақати-миз экспорт салоҳиятини ошириш, инвестициялар ҳамда технологияларни жалб қилиш, туристлар оқимини кенгайтириш учун қулай ташқи сиёсий шароитлар яратади. Энг му-ҳими, ташқи оламда Вата-нимизнинг ижобий имиджи-ни юксалтириш, халқро майдондаги нуфузини мус-таҳкамлаш, Ўзбекистоннинг хориждаги фуқаролари ҳуқуқлари, қонуний манфа-атларини самарали ҳимоя-лаш ва ўзбек дипломат-ларининг мавқеини янада кўтарिशга хизмат қилади.

Раҳматилло НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
аъзоси.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Куни кеча кучга кирган “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун, экспертларнинг фикрича, мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Давлат хариди бўйича қарор қабул қилишда инсон омили камаяди

Дарҳақиқат, бозор инфратузилма-си тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан аёнки, давлат харид-лари тизими ҳар қандай мамлакат ичида маълум турдаги товарлар ва хизматлар айирбошлаш соҳасининг ажралмас қисми, ҳўжалиқ юритиш-нинг либерал бошқарув тури ҳамда рақобатни ривожлантиришнинг муҳим механизми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигидан маълум қилишларича, Қонун давлат харидлари очиклигини ва шаффоф-лигини ҳамда бу соҳада тadbиркор-ларнинг рақобат курашини таъмин-лайди, Давлат бюджет, марказ-лаштирилган манбалар ва давлат улушига эга бўлган корхоналар маб-лағларидан самарали фойдаланиш-га имкон яратади. Дарвоқе, мазкур агентлик Қонун билан давлат харид-лари соҳасидаги ваколатли орган сифатида белгиланди. Илгари давлат харидлари соҳасида ваколатли орган мавжуд эмас эди.

Қонун харидларнинг беш тартиб-таомилни белгилайди, ундан икки-таси давлат хариди бўйича қарор

қабул қилишда инсон омилини буткул инкор этади. Қолган харид тартиб-таомиллари шаффофлиги махсус ахборот порталида зарур ахборот чоп қилиш йўли билан таъминлана-ди. Бинобарин, Президентимиз парламентга йўллаган Муурожаатно-масида яқин келажақда барча давлат харидларини амалга ошириш ҳамда давлат мулкни сотиш учун интер-нет тармоғида ягона майдон ташкил этиш лозимлигини алоҳида таъкид-лаган эди. Бу бюджет харажатлари-ни қисқартириш, давлат мулкни самарали бошқариш ва катта молия-вий маблағларни иқтисод қилиш имконини беради.

Шуни алоҳида қайд этиш керак-ки, Қонун қабул қилинишидан аввал мазкур соҳа 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Бунда давлат харидларин-инг яхлит тизими мавжуд бўлмаган, оқибатда ҳуқуқий коллизиялар вужуд-га келган. Кўп босқичли келишиш-лар ҳамда такрорловчи тартиб-таомиллар коррупцияга шароит яратган ва кўп вақт йўқотилишига сабаб бўлган.

Олий Мажлис Қонунчилик пала-

таси депутати Эркин Холбўтаевнинг қайд этишича, қонун лойиҳаси давлат харидларини амалга оширишнинг миллий ҳамда халқро тажрибани, шу жумладан, БМТнинг Халқро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиясининг модель қонунчилиги асосий қоида-ларини, Европа иттифоқи, АҚШ, Россия, Беларусь, Қозогистон ва

бошқа давлатлар қонунчилигини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқил-ган. Қонун лойиҳасини маромига етказиш жараёнида экспертлар ҳам-жамияти билан маслаҳатлар олиб бо-рилди. Муҳокамалар жараёнида ҳуж-жатнинг амалий аҳамиятини ошириш-га алоҳида эътибор қаратилди. Кор-рупцияга қарши курашишга йўналти-рилганлик, давлат харидлари бозори-да тadbиркорлик субъектларининг ҳалол рақобатли кураши учун шароит-лар яратиш, ушбу соҳада давлат ҳамда жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини таъминлаш мақсади-да давлат харидларини электрон шаклга ўтказиш унинг асосий жиҳатларидан, десак, тўғри бўлади.

Умуман, Қонуннинг ҳаётга изчил татбиқ қилиниши соғлом рақобат муҳитини янада ривожлантириш, тadbиркорлик субъектлари учун давлат харидларига тенг эркинлик яратиш, давлат секторини мақбул мушдат-ларда товарлар (ишлар, хизматлар) билан самарали ва оқилона таъминлашга хизмат қилади ҳамда мамлақатда қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш, халқро рейтингларда юртимиз кўрсаткичларини янада яхшилаш имконини беради.

Қўш, Қонуннинг асосий янгилик-лари нималардан иборат? Авваламбор, давлат бюрютмачиси-нинг иккита янги тоифаси, яъни “бюджет” ва “корпоратив” бюрютма-чилар киритилди. Юқорида таъкид-ланганидек, давлат харидларининг барча тури учун махсус ахборот пор-тали жорий қилинмоқда. Электрон дўкон ҳамда аукционда голибни аниқлаш автоматик тарзда электрон тизим орқали амалга оширилади. Қонунга кўра, махсус талаблар татбиқ этилмайдиган товарлар (иш-лар, хизматлар) электрон дўкон орқали харид қилинади. Бунда бюд-жет бюрютмачилари учун энг кам иш ҳақининг 25 баравари миқдоридда, йилига эса 2500 баравардан ортиқ бўлмаган ҳолда, корпоратив бюрют-мачилар учун энг кам иш ҳақининг 250 бараваридан ортиқ бўлмаган чекловлар ўрнатилди. Илгари электрон савдо орқали биржада фақат 10 — 13 товар, иш, хизматлар гуруҳи рўйхатиға киритилган ҳамда 100 минг АҚШ доллари қийматиғача бўлган миқдорда, фақат биринчи даражада зарур бўлган товарлар харид қилинган.

Танлов савдолари ўрнатилган мезонларга жавоб берадиган товар (ишлар, хизматлар)нинг барча тури-га татбиқ этилади. Бунгача танлов савдоларини ўтказиш механизми фақат капитал курилиш соҳасида амал қилар эди. Қонунда, шунингдек, яна бир қатор янгиликлар ўрин олган.

Қ. ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қонун лойиҳалари ҳаётий мезон асосида кўриб чиқилди



(Давоми. Бошлиғини 1-бетда).

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбу-

рий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуниға ўзгартиш ва қўшимчалар ки-ритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини муфассал кўриб чиқилар.

Таъкидлангани-дек, мазкур қонун лойиҳасида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини фаолияти ли-цензияланадиган транспортда йўловчиларни ҳамда уларнинг мол-мулкни тижорат асосида ташвиш бўйича хизматлар кўрсатувичи юри-дик шахснинг транспорт воситаси-

га уч ойдан бир йилгача муддатга тузиш назарда тутилмоқда. Суғурта шартномасига мувофиқ муҳофот тўлангандан сўнг, унга киритилган транспорт воситасининг тури, маркази, модели, рақамли (танитув-чи) белгиси ва ишлаб чиқарувчи завод паспортлари бўйича йўловчи-сигими тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган суғурта полисини ҳар бир транспорт воситаси учун алоҳида бериш тартибини жорий этиш, шу билан бирга, йўловчилар-ни ташвиш чоғида транспорт воси-тасини бошқараётган шахс ёнида тегишли транспорт воситаси учун расмийлаштирилган суғурта полиси мавжудлигини таъминлаш кўзда тутилаяпти.

Ўзбекистон Халқ демократик ҳамда “Адолат” социал-демократик партияларининг парламент қўйи палатасидаги фракциялари ййғилиш-ларида юқорида қайд этилган ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қатор-да, “Рекрутнинг фаолияти тўғрисида”-ги, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Муҳокамаларда рекрутнинг фаоли-яти, уни тартибга солишининг ҳуқуқий асосларига, шунингдек, Меҳнат кодексига, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунга киритилаётган қўшимчаларнинг аҳа-мияти жиҳатларига тўхталиб ўтилди.

Ййғилишларда муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциялар-нинг аниқ нуқтаи назари белгилаб олинди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.



Солижон ШАРИПОВ:

«КОИНОТДА БОШИМДА ДЎППИ, КЎЛИМДА ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ ЭДИ»

(Давоми. Бошлиғини 1-бетда).

— Солижон ака, сиз бирин-чи асл ўзбек космонавтисиз. Нима деб ўйлайсиз, Ўзбе-кистон ўзининг кейинги космонавтини қачон кашф этиши мумкин?

— Очиғи, бу бирдигана бўла-диган иш эмас. Космонавтика босқичма-босқич ривожлантири-ладиган соҳа. Ҳозиргача 600 дан зиёд инсонлар космосга парвоз қилган. Мен дунёнинг 372-кос-монавти, Россиянинг саксон саккизинчи ва биринчи ўзбек кос-монавтиман. Коинотга учиш жуда катта маблаг талаб этади. Ўзбе-кистонда бу йўналишда дастлаб-ки қадамлар ташланди, десам, янглишмайман. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 14 сентябрдаги “Мирзо Улугбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-ин-тернатини ва “Астрономия ва аэронавтика” богини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда 2018 йил 12 февралдаги “Ўзбеки-стон Республикасида космик тадқиқот ва технологияларни ри-вожлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги фармойиши бу йўналишдаги дадил қадамдир. Давлат шу муҳим йўналишни ри-вожлантиришни истаяптими, де-мак, олинда бизни катта умид ва максадлар кутиб турибди. Қолаверса, космонавтика со-ҳасининг бугунги ютуқларига биз-нинг Ўзбекистон, бу ерда этиш-ган улуг аждодларимиз сабабчи. Чунки астрономик тадқиқотлар илдижи диёриймизда узоқ ўтмиш-га бориб тақалади. Мазкур иш-ларни бугунги ўзбек ёшлари да-вом эттиришини давлат раҳбари чин дилдан хошлаяпти. Ва, албат-та, бундай муваффақиятларни яқин истикболда кўришимизга ишонаман.

— Сиз шу соҳанинг етук ва-кили сифатида Ўзбекистонда мазкур йўналиш ривожига қандай ҳисса қўймоқчисиз?

— Ўз вақтида космонавтика бўйича энг кучли мутахассислар Ўзбекистонда бўлган. Техника ҳамда технологияларни ишлаб чиқиш, фундаментал илмий тад-қиқотлар ўтказишда бизга тенг келадигани йўқ эди. Космонавти-ка — илм-фаннинг сўнгги ютуқ-ларини ўзида акс эттирадиган

соҳа. Бироқ орада шундай ҳолат вужудга келдики, бу йўналиш эътибордан четда қолди. Оқибат-да мутахассислар хорижга, асо-сан, Россияга чиқиб кетди, шу йўналишдаги кўплаб ишлаб чиқа-риш корхоналари фаолияти тўхтаб ёки сустайиб қолди. Тошкентга ҳар йили бир неча марта бораман. У ерда ёшлар, талабалар билан учрашамиз, суҳбатлар уюштирамиз. Йигит-қизларнинг кўзида олов борли-гини кўраман. Ўзбекистон раҳбари ана шу жиҳатларни

Ўзбекистонда татбиқ этишга тайёрлигим ҳақида айтдим.

— Ўзбекистон байроғини коинотга олиб чиққанингиз ҳақида ҳар гал эшитганимиз-да беихтиёр тўлқинланиб кетаверамиз. Агар малол келмаса, ҳозир шу ҳақда гапириб берсангиз.

— 1998 йили “Шаттл”даги би-ринчи парвозимга тайёргарлик кўриш чоғида менда Ўзбекистон байроғини коинотга олиб чиқиш-гояси туғилган. Ушанда ўзим би-лан ўзбек дўпписини ҳам олган-дим. Коинотда бошимга дўппини кийиб, кўлимда Ўзбекистон бай-роғини ушлаб суратга тушганман. Кейинчалик шу самога чиққан байроқни, учган парвозим билан боглиқ ҳужжатлар ва НАСА дубликатини Тошкентга келганим-да Ўзбекистон томонига топшир-ган эдим.

— Сизни кўпчилик “бу биз-ники, бу бизники” деб қизға-нишди. Жумладан, биз ҳам... — Бир қизик ҳолатни айтиб бе-раман. Мен ўзим ўзбекман.

Солижон Шарилов 1998 йил 23 январда АҚШнинг “Space Shuttle” кўп марта учиш тизимидаги “Endavour” кемасида самога қўтарилиб, 8 кун 19 соат 46 дақиқа 54 секунд парвозда бўлди. Парвоз давомида кемани “Мир” Россия орбитал станцияси-га бириктириш ишларини амалга оширди. Унинг иккинчи парвози 2004 йил 14 октябрда амалга оиди. Солижон Шарилов “Союз ТМА-5” космик кемаси-нинг сардори сифатида коинотга қўтарилиб, Халқа-ро космик станцияда олти ойдан кўпроқ муддат мобайнида илм-фан равнақи учун зарур бўлган элик-дан ортиқ тажриба ишларида қатнашди. Парвоз чоғида икки марта очиқ фазога чиқиб, умумий ҳисобда

10 соат давомида станцияни таъмирлаш, унга янги экиҳозлар ўрнатиш ва бошқа муҳим тадбирларни ўтказди. Солижон Шарилов жами 201 кун 14 соат 48 дақиқа 53 сония парвоз қилган. Шунингдек, у “Союз ТМ-29” ва “Союз ТМ-30” космик кемалари дублёр экитажларининг сардори бўлган. Солижон Шарилов Россия Федерацияси Қаҳрамони, Қирғизис-тон Республикаси Қаҳрамони унвоилари, Ўзбекистон Республикасининг “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланган.

Айни пайтда у Космонавтларни тайёрлаш илмий-тадқиқот синов маркази қошидаги космосмарказга раҳбарлик қилмоқда.



ўзгариб тушганман. Ер ва биз, одамлар — бир яхлит бутунлик-миз. Биз сайёрамизни жуда эҳти-ёткорлик билан асрашимиз керак. Бу туйғуни, айниқса, сиз космос-да бўлганингизда аниқ ҳис эта-сиз. Биз, космонавтлар ҳаммамиз Ерни асраш, уни ҳис қилиш учун ҳар бир одамни коинотга чиқа-риш керак, деб ҳисоблаймиз. Коинотдан Ерни кўрган одам кўп ишлар жуда арзимас, майда эканлиги, аслида Ерни асраш, одамлар эса бир-бирини эъзоз-лаши муҳимлигига ишонч ҳосил қилади.

— Бугун Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муно-сабатларни Ерни асраш йўли-даги қадам, деб ҳисоблай-сизми?

— Марказий Осиё халқларини бир-биридан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Бироқ орада шундай тушунмовчиликлар вужудга кел-дики, ота фарзанди, опа сингли-си билан ўн йиллаб кўришолма-ди. Биз асли Андижондан, Поитў шаҳарчасиданми. Чегаралар очилгани одамлар қалбига йўл очилганидан даракдир. Мен Ўзбе-кистоннинг қўшни мамлакатлар билан муносабатларини одамлар-нинг тилидаги, дилидаги гаплар-дан янада чуқур ҳис этаялман.

Қачонлардир бизнинг юртда ўта абжир, доворак йўлбарслар кўп бўлган. Буни боболаримизнинг эртақларида, ҳикояларида кўп эшитганмиш. У тасаввуримизда халоскорлик, наҳот, қудрат ва шижоат тимсоли бўлиб муҳрла-ниб қолган. Шунинг учун ҳам халқимизнинг унга меҳри бўлак-ча. Лекин бугунги кунга келиб, қачонлардир она-табятнинг бир гавҳари бўлган Турон йўлбарси энди йўқ, у қайтмайди, дегувчи-лар кўпайиб кетганди. Олимлар, синчилар шундай ҳулоса бериш-ганди. Бугун ана шу гап-сўзлар пучга айланди. Бизнинг она-юр-тимиз — қадим Туркистонга Турон йўлбарси қайтди. Қайтганда ҳам, дадил, катта шижоат ва куч-ғай-рат билан келажақ сари қадам қўйди... Бугун минтақамизда амалга оширилаётган тарихий жараёнлар ана шундай дейиши-мизга асос бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев бутун Марказий Осиё халқлари-нинг ўзаро яқинлашувида тенгсиз шижоат кўрсатаётгани, бу бир-бири билан бирдор элларнинг тарихий ришталарини боғламоқда.

Омонулла ФАЙЗИЕВ
сухбатлоши.
Москва шаҳридан
«Халқ сўзи» учун махсус.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 445. 114 526 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълолар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган кўлаёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзқиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета тахририят компьютер терминал ҳамда оператор Ж. Тоғас томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотқотар кўчаси, 32-йй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.55

Тошпирилди — 04.10

1 2 3 4 5 6